

### **ДРАМАТУРГ ВА ТОМОШАБИН.**

*Бу мақолада пьесаларни болалар ёшига, онги, қабул қилиши имкониятларига эътибор қаратиб, қисмларга ажратилиши муаллифнинг соҳани чуқур идрок этишидан дарак беради. Гап шундаки, ҳар бир бўлимдаги пьесалар мавзуси, олға сурилган гоё ҳамда томошабинга етказиши услублари айни ёш нуқтаи назардан ажратилгани аҳамиятли.*

Кўғирчоқ театри ўзига хос бетакрор санъат турларидан биридир. Ёш томошабинларнинг санъатга ошнолиги илк бор кўғирчоқ театрдан бошланади. Бу санъат ёш томошабинларни маънавий гўзаллик оламига етаклайди. Уларни ҳар томонлама дунё қарашини шакллантиришда тарбиявий мактаб ҳисобланади. Театр сахнасида жонланиб тилга кирган тасвирий санъат асари кўғирчоқ персонажлари, болаларга бекиёс завқ-шавқ ва бир олам қувонч бағишлайди. Ёш томошабинларни ҳаёт жумбоқлари устида бош қотиришга ундайди. Гўзаллик, дўстлик, мардлик, адолат, ҳалолик, олижаноблик, меҳнатсеварлик, Ватанпарварлик туйғуларини уларнинг юрагига жо этади. Бир сўз билан айтганда, ёш авлодни ҳар томонлама камол топишига ва уни етук инсон бўлиб тарбияланишида кўғирчоқ театрининг ўрни бекиёсдир. Таниқли олим, санъатшунослик фанлари доктори Мухсин Қодиров шундай дейди: “Осиё кўғирчоқ театри бу шунчаки эрмак ўйин эмас, балки бир қитъа халқларнинг фалсафаси, дини, адабиёти, эпоси, мусиқаси, фольклори, тасвирий санъати ва албатта тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий бадиий ҳодисадир”<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Шу сабабли кўғирчоқ театри драматургияси жанр жиҳатдан ранг-баранг, замон билан ҳамоҳанг, бой маъзмунга эга бўлган гоёвий жиҳатдан етук асарлар бўлиши шарт. Бугун жадал суратлар билан одимлаб бораётган ҳаёт

---

<sup>1</sup>М.Қодиров томоша санъати ўтмишдан лавҳалар, Т-фан, 1993 й. 163-бет

сарчашмаларида ёш томошабинларимизни маънавий баркамол, ақлли, эркин фикрлайдиган, яратувчанлик қобилиятига эга, фаол, шижоатли, замон қаҳрамонларини сахнада кўриниши, болажонларнинг дунёқарашини шаклланиши ва уларнинг комил инсон бўлиб етишида муҳим рол ўйнайди. Бу жараённинг амалга ошишида болалар драматургиясининг ўрни бекиёсдир.

Драматург болалар психологиясини, уларнинг хулқ-атворини, руҳиятини, ҳаётда тутган ўрнини, қизиқишлари-ю, итилишлари, атрофини ўраб турган борлиқда ҳал қила олмаган жўмбоқлар ечимини билиб, уларнинг оқил йўлбошчисига айланиши керак. Шу билан бир қаторда драматург турли ёшдаги болаларнинг борлиқни ақлан қабул қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, таҳлилий назарияга эга бўлиши ва қўғирчоқ театрининг барча хусусиятидан келиб чиқиб асар ёзиши лозим.

Биз биламиз-ки, театр учун репертуар танлаш энг мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки қўғирчоқ театрига ташриф буюрадиган томошабинлар турли ёшдаги болалардан иборат бўлади. Шунинг учун маълум ёшдаги болаларнинг аниқ ёшини инобатга олмасдан асар ёзиш ёки танлаш ноўрин ҳисобланади. Маълум, ҳар бир сахна асарига олинган мавзу, воқеалар тузими, қарама-қаршиликлар ва уларнинг ечими, персонажларнинг қандай инсон эканлиги, уларнинг характернинг характерлилик хусусиятлари асарнинг берилган шарт-шароитида босқичма-босқич ҳар хил жараёнларда турлича кечади. Бу ҳолат маълум ёшдаги томошабиннинг ёшига қараб уларнинг қабул қилиш имкониятига боғлиқ бўлади. Шунинг учун қўғирчоқ театр репертуарини томошабин ёшига қараб уч тоифага бўлиб, пьеса ёзилади.

**Биринчи тоифа томошабинлари** - тарбия масканида тарбияланучи болалар гуруҳи ҳисобланади. Улар учун ёзиладиган пьесанинг воқеаси мураккаб бўлмаган оддий, лўнда, сўзлари маълум даражада чегараланган, томоша ўйин тарихида ёритилган. Қўғирчоқ персонажларининг образ талқини хатти-ҳаракатлар асосида қурилган бўлиб, жозибadorлик ўйин, куй-кўшиқ ва пластикага асосланган томоша шаклида ёзилиши керак. Асосий

мавзу болалар ҳаётидан лавҳалар, табиат гўзаликлари ва унда яшовчи қуш ва ҳайвонларнинг яшаш тарзи, инсонларнинг уларга муносабати, боланинг оилада ота-она бағрида улғайиши ва хо.казо. Томошабин бу жараёни кўради, кузатади ва таҳлил қилади. Уларда ҳаётни билиш, англаш, уларга интилиш ва у билан муносабатга киришиш иштиёқи пайдо бўлади. Бу эса болаларни ҳар томонлама ақлий, ахлоқий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тарбиялашда воситачи бўлиб хизмат қилади. Бундай жараён ёш томошабинларни ҳар томонлама ўсиб, улғайиб, камол топишига таъсир қилади. Бунга мисол қилиб, М.Ашурованинг “Алла”, “Яхши фазилатинг зебу-зийнатинг”, Орловнинг “Олтин жўжа”, Н. Гернетнинг “Ғозча” пьесаларини келтириш мумкин.

**Иккинчи тоифа томошабинлари** - мактабнинг бошланқич ва ўрта синф ўқучилари учун ёзиладиган асарлар оила, мактаб, ўқиш ва ўрганиш, меҳнат, дўстлик, меҳрибонлик, шижоаткорлик, Ватанпарварлик руҳидаги пьесалар ҳар хил жанрларни ўз ичига олаган ҳолда бўлади. Тематик асарлар мактаб ўқувчиларида ақл, тафаккур, садоқат, тўғри сўз, оқил, доно, хотира, диққат, ирода, аҳиллик, меҳир-мурувват, садоқат каби инсоний фазилатларни тарбиялайди. М.Ашурованинг “Ўз уйингни ўзинг қадирла”, “Алло...ерликлар биз сиз билан!”, “Мўъжиза”, В.Павловскийнинг “Нўхот бола”, Е. Сперанский “Ғаройиб пойга”, Ё.Тўйчиевнинг “Орзунинг ушалиши” пьесаларини мисол қилса бўлади.

**Учинчи тоифа** - ўспирин ёшдаги томошабинлар учун ёзиладиган пьесаларда миллий анъаналар, қадириятлар, урф-одатлар, тарихий шахсларнинг яшаб ўтган йўли ва уларнинг дунё тамадунига қўшган ҳиссаси акс этилсин. Миллий қаҳрамон мақсадга эришиш учун ҳар қандай тўсиқларни енга оладиган, илғор ғоялар куйчиси, Ватанпарвар инсон бўлмоғи керак. Турли хил жанрларни ўз ичига қамраб олган пьесалар мазмун-моҳияти билан томошабиннинг олий мақсадини белгилаб, уларни Ватанпарварлик, мардлик, содиқлик, одамийлик, олийжаноблик, инсонпарварлик каби барча инсоний фазилатлар уйғинлиги билан комил

инсонни тарбиялашга хизмат қилсин. Бунга А.Навоийнинг “Қуш тили”, “Муқбил ва мудбир”, М.Ашурованинг “Оқ қушлар нидоси”, “Меҳрдан яралган олам”, Ш.Усмонованинг “Улуғбек юлдузи” асарларини мисол қилса бўлади. Ҳинд мутафаккири ва давлат арбоби таъкитлаганидек: “Агар биз дунёда тинчлик ўрнатишни истасак, ишни болалар тарбиясидан бошлашимиз керак”.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup>Ҳикматлар шодаси Тошкент “Ўзбекистон” 2013 141 бет